

Агентликда навбатдаги ўқув семинари

Дунё яралибдики, тинчлик-осойишталик инсоният учун тенгсиз неъмат бўлиб келмоқда. Чунки, биринчи галда осуда ҳаёт, яратувчан меҳнат ва фаровонлик, умуман, барча эзгу мақсадларнинг рўёби энг аввало шу неъматга боғлиқ.

Аmmo азалдан яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик каби нисбий кучлар бўлганидек, инсон ҳаётига раҳна солувчи офатлар ҳам мавжуд. Улардан бири эса диний ақидапарастлик ва терроризмдир. Бу балою офат ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва ХХI асрга келиб, ўзининг жирканч қиёфасини намоён эта бошлади.

Айни пайтда диний экстремизм, ақидапарастлик ва терроризм дунё аҳлининг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани кўпчиликка сир эмас. Ёвуз ниятли диний экстремистик ва террорчи оқимларнинг тарафдорлари халқимизнинг тинч-тотув ҳаётига раҳна солишга, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни йўлдан оздиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ёвуз ниятларнинг фаровон ҳаётимизни кўра олмаслик қайфияти, тузумимизга қарши тажовуздан иборат уринишлари барча тараққийпарвар кишиларни ғазаблантирмоқда. Уларнинг бундай хатти-ҳаракатларини қонун ҳам қаттиқ қоралайди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида жорий йилнинг 15 декабрь куни Агентлик бошлиғи томонидан 2016 йилда тасдиқланган режа-жадвалига асосан “Террорчилик ҳаракатлари хавфи туғилганда ёки содир этилганда ҳаракат қилиш қоидалари” мавзусида ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси Неъматжон Ғофуровнинг маърузаси тингланди.

Маърузачи терроризмни аниқ ва жонли таърифлаб, унинг моҳияти, мақсади ва оқибатларини жонли мисоллар билан изоҳлаб берди.

- Терроризм лотинчада “terror” сўзидан олинган бўлиб беқарорликни келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларига ваҳима ва кўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир, – деди, жумладан, маърузачи. – Террорчилик ҳаракатлари даврлар ўтиши билан, бугунги кунга келиб, бутун башариятнинг муаммосига айланди. Террорчилик ҳаракатлари кўп йиллар давомида турли жойларда аҳолининг онгини захарлаш орқали ҳокимиятни қўлга киритишга уриниб келган. Экстремизм ва терроризм одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончига путур етказибгина қолмасдан, балки халқаро миқёсдаги муаммоларни, жумладан, турли диний эътиқод вакиллари бўлган халқлар, ҳаттоки, цивилизациялар орасидаги ўзаро ишончга соя ташламоқда, жаҳон тараққиётининг тамал тоши бўлган халқаро иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ривожланишига тўсиқ бўлмоқда.

Неъматжон Ғофуров ўз нутқида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларида диний экстремистик, бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси биринчи

президенти Ислом Каримов дунё миқёсида ҳали кўплаб кўпорувчилик, хунрезликлар юз бермасдан туриб, бу хавфни илғаган ва жаҳон жамоатчилигини унга қарши биргаликда кескин чоралар билан курашишга даъват этганлиги, бизнинг халқимиз терроризм даҳшатини ўз бошидан бир неча бор кечирганлиги, бу бузғунчилик ҳаракатининг азиятларини яхши тушунишини, жумладан, Тошкентда рўй берган февраль воқеалари, Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларидаги хунрезликлар, пойтахтимиздаги хорижий давлатлар элчихоналарида террор акти содир этишга бўлган уринишлари, Андижон воқеалари ва бошқа террористик ҳаракатларнинг бари ана шу ёвуз кучга бириккан жангариларнинг конституциявий тузумга қарши хуружлари эканлигини айтиб ўтди.

Бироқ, инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотган, тинч аҳолига жабр-ситам, ўлим таҳликасини солиб туриш жирканч муддаосига айланган қора кучлар дунёнинг қайсидир бурчагида ҳали ҳам бор экан, ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлишимиз, терроризмга қарши ҳамма баб-баравар курашиши керак. Чунки, қаерда бўлмасин терроризм ҳаракати рўй берса, вужудида зарра одамгарчилиги, меҳр-оқибати бор инсонни безовта қилади.

Баъзан ўйлаб қоласан киши, инсонларни кўрқитиб, даҳшат солиб, зўравонлик қилиш, портлатиш ва бошқа қабиҳликлар билан шуғулланувчи бу кимсаларни ҳам она тукқанмикин? Волидаси қулоғига алла айтиб, қалбига меҳр-оқибат уруғи қадамадимикин? У ер – бу ердаги хунрезликларни кузатиб, бу тоифадагилар инсоний тарбия олмаган, гадой топмас жойларда лагерлар куриб, ваҳшийликка ўргатилган манкуртлар эмасми, деб ўйлаб қоласан. Ҳар вақт, ҳар жойда – хоҳ кўчада, хоҳ транспортда, хоҳ одамлар гавжум тўпланадиган ҳудудларда ўта хушёр бўлайлик, огоҳликни бир дам бўшаштирмайлик. Шундагина террор балосидан ҳоли бўламиз.

Маъруза мавзу юзасидан савол-жавоб ва қизгин мунозараларга уланиб, йиғилганлар жуда зарур ижтимоий-ҳуқуқий билимларга эга бўлишди.

Тадбирда Агентлик Марказий аппарати, АТРНТТ Республика маркази, “Автодарётранс-Илм” давлат илмий-методик маркази, Агентликнинг Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудий бўлимлари ходимлари иштирок этишди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати